

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMİY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

# 2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

1 SENTYABR – MUSTAQILLIK KUNI

# 31

YOSHDA



# SENTYABR

# №44



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
4-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-4**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-4**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 44-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 18 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА  
ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Кенжаев Жасур Омон ўғли</b> ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АСОСИЙ ШАРТЛАР .....	7
<b>2. Кенжаев Жасур Омон угли</b> НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ ОРГАНОВ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ.....	9
<b>3. Хуршида Пардаевна Дусбекова</b> ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ АСОСИ .....	11
<b>4. Ғиёсов Сардорбек Мунибиллаевич</b> ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИШСИЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УЮШМАГАН ЁШЛАР ҚАТЛАМИ ШАКЛЛАНИШИ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ .....	16



## СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

### ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АСОСИЙ ШАРТЛАР

**Кенжаев Жасур Омон ўгли,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Малака ошириш институти ўқитувчиси

**Аннотация:** ушбу илмий мақолада жамиятимизда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқ-эркинликларини таъминлашнинг айрим жиҳатлари таҳлил этилади. Шунингдек, ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий тамойиллари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** қонун, ислоҳот, ҳуқуқий тартиб, тараққиёт, фуқаролик жамияти.

Ҳуқуқий демократияга асосланган жамиятда қонун устуворлиги принципини таъминловчи асосий шартлар қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан,** ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг реал жорий этилганлиги. Бу принципга кўра қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг Конституцияда ва қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Конституция ва қонунларга нафақат фуқаролар, уни қўлловчи давлат идоралари ва мансабдор шахслар ҳам, шунингдек, қонунларни яратувчи ҳокимият органи ҳам итоат этишга мажбур. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши давлат тузилмаларининг самарали ишлаши, суистеъмолларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланиши, умуман, демократия ва қонун устуворлигининг муҳим гаровидир [1].

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг биринчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. Президент ўз фармонлари ва ҳуқуқий қарорлари билан Конституциявий тамойилларнинг қонунларда мустаҳкамланган қоидаларининг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли ҳуқуқий механизмларни яратади.

**Учинчидан,** жорий қонунлар ва барча норматив ҳуқуқий актлар Конституцияга тамомила мос ва унга мувофиқ яратилиши лозим. Бу эса мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суришига олиб келади.

Асосий қонунимизнинг 16-моддаси иккинчи бандида —Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас [2] деб қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ана шу муҳим Конституциявий-ҳуқуқий принциpga риоя этишни таъминлашга интилиб келмоқда.

Конституциянинг устуворлигини таъминлаш учун алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо этади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини – Конституциявий суд ташкил этади. Конституциявий суд ўз вазифаларини бажаришда мустақилдир ва ўз фаолиятида фақат Конституция нормалари ҳамда қоидаларига амал қилади. Унинг зиммасига қонун чиқарувчи, ҳуқумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни назорат қилиш вазифаси юклатилган. Конституцияга содиқлик, мустақиллик, ошқоралик ва судьялар ҳуқуқлари-нинг тенглиги Конституциявий суд фаолиятининг асосий принципларидир.

**Тўртинчидан,** қонун устуворлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи воситалардан бири кодекслаштиришдир. Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг бош қонуни сифатида Конституция принципларини ривожлантириш йўлида яратилади ва улар конституция, конституциявий қонунлардан кейинги мақени эгаллайди. Кодекслар ўзининг мантиқий мукамаллиги, пишиқлиги, ички барқарорлиги ҳуқуқий қоидаларга амал қилганлиги туфайли кодекс



нормалари ҳаётда ўзининг амалини осон топади[3].

**Бешинчидан**, қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларини қуйидагича эътироф этиш мумкин:

- қонун чиқарувчи жараёни муттасил демократлаштириб бориш – инсонпарвар, адолатли халқчил қонунлар яратилишининг гаровидир;
- қонуннинг сифатини мукаммаллаштириш, унинг ички механизми пухта, юридик техника нуқтаи назаридан бенуқсон бўлишига эришиш;
- қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда —қонунда таъқиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади (фуқаролар учун);
- қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган стратегиясини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш концепциясини яратиш;
- қонунлар амал қилишининг ижтимоий механизмига эътибор қаратиш. Бу соҳадаги ижтимоий омиллар (таъсир этувчи кучлар, воситалар) ни синчиклаб ўрганиш;
- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш учун комплекс ташкилий ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Албатта, конституциявий ҳуқуқий кафолатлар ва юридик механизмларни муттасил такомиллаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим. Шу ўринда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, руҳий кафолатлари ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик лозим.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти.- Ўқув қўлланма – Т. 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., Ўзбекистон. 2021.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017 й.



## НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ ОРГАНОВ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ

**Кенжаев Жасур Омон угли,**  
Преподаватель Института повышения квалификации  
МВД Республики Узбекистан

**Аннотация:** в данной научной статье анализируются некоторые теоретические и практические взгляды на национальный институт гражданского общества Узбекистана - махалля. Как система самоуправления граждан раскрыты вопросы вывода этого института на качественно новый уровень в процессе демократизации общества.

**Ключевые слова:** махалля, органы самоуправления граждан, развития, демократия, социально-политические процессы.

Программа «Обод махалля», принятая в соответствии с Указом Президента от 27 июня 2018 года, также считается эффективным решением некоторых текущих проблем. Направленная на улучшение уровня жизни населения, она настоятельно требует проведения работ по ремонту и улучшению в махаллях, в том числе по ремонту административных зданий, созданию коммуникационных сетей, модернизации инфраструктуры сообщества и поддержке неимущих и инвалидов. Одним словом, основная деятельность программы при поддержке государственного бюджета — решение большинства текущих проблем, с которыми сегодня сталкиваются махалли.

Сегодня в стране функционирует около **десяти тысяч** органов самоуправления граждан, которые переняли в свое ведение порядка **30** функций, ранее выполняемых органами государственной власти и управления на местах[1].

Для выполнения возложенных на махалли задач в сходах граждан функционирует **восемь общественных комиссий** - примирительная, по вопросам просвещения и духовности, социальной поддержке, работе с женщинами, вопросам несовершеннолетних, молодежи и спорта, вопросам развития предпринимательской деятельности и семейного бизнеса, экологии и охране природы, благоустройству и озеленению, общественному контролю и защите прав потребителей.

Совершенствование правовых основ деятельности органов самоуправления в соответствии с требованиями времени служит важным фактором в активизации участия махалли в социально-политической жизни общества.

Одним из последних документов в этом направлении стал Указ Президента "О мерах по дальнейшему совершенствованию института махалли" от 3 февраля 2017г. Он призван повысить эффективность деятельности органов самоуправления граждан, простимулировать дальнейшее развитие их взаимодействия с государственными органами и институтами гражданского общества[2]. Согласно указу для укрепления материально-технической базы сходов граждан, создания детских спортивных площадок, объектов бытового обслуживания будут разработаны территориальные программы на 2017-2021 годы. На основе типовых проектов возведут здания комплексов "Центр махалли" в районах и городах.

Сходы граждан заинтересованы в повышении благосостояния своих жителей. Они способствуют развитию надомного и частного предпринимательства на местах. Для расширения этой работы законодательством расширены права собственности органов самоуправления граждан - они могут быть гарантом при получении кредитов для налаживания деятельности субъектов предпринимательства.

В Стратегии действий перед банками поставлены задачи по широкому вовлечению населения в бизнес-сферу. В связи с этим за каждым банковским филиалом закреплены соответствующие махалли исходя из их местоположения, числа проживающих в них семей и трудоспособного населения. Большое содействие им оказывают действующие при сходах граждан Комиссии по развитию предпринимательской деятельности и семейного бизнеса.

Благодаря размещению опорного пункта милиции и органа самоуправления граждан в одном здании, созданию необходимых условий для тесного взаимодействия инспекторов профилактики с комиссиями схода граждан, широкой общественностью резко сокращаются случаи правонарушений. Более чем в двух тысячах махаллей удалось добиться снижения уровня преступности. Почти в 2,5 тысячи махаллей не допущено ни одного преступления.



Особое место в налаживании обратной связи между обществом и государством, дальнейшем улучшении социально-духовной атмосферы в семьях и махаллях отводится осуществляемому органами самоуправления граждан общественному контролю за исполнением законодательства, эффективным выполнением государственными органами своих обязанностей по решению насущных вопросов населения.

Во всей этой работе органы самоуправления граждан, благотворительный общественный фонд «Махалла» активно сотрудничают с Союзом молодежи и Комитетом женщин Узбекистана, Фондом по поддержке общественной деятельности ветеранов «Нуроний», другими общественными организациями.

В Узбекистане выдвинут и реализуется принцип «За каждого ребенка в ответе вся махалля». В нашей стране проводится работа в сфере правового образования и воспитания по укреплению правовых знаний молодежи, полезной организации ее свободного времени и предотвращению преступлений[3]. Осуществляемая во взаимодействии с правоохранительными органами, она способствует укреплению механизма сотрудничества семьи, махалли и образовательных учреждений, активизации деятельности молодежных организаций и повышению эффективности профилактических мероприятий, а также дальнейшему совершенствованию механизмов мониторинга и оценки исполнения норм законодательства в деле защиты прав несовершеннолетних и молодежи, расширения изучения на постоянной основе общественного мнения в этой области.

Общественные советы «Семья — махалля — учебные заведения», «Родительские университеты» в соответствии с призывом «Наш ребенок — нам его беречь!» помогают педагогам в обучении и воспитании детей, повышают роль родителей в процессе формирования юных личностей, объединения усилий школы и семьи в профилактике вредных привычек у школьников.

В июле 2017 года учрежден нагрудный знак «Махалла ифтихори», которым награждаются инициативные граждане и представители общественных структур, внесшие достойный вклад в осуществление задач, возложенных на органы самоуправления граждан.

Ныне узбекская махалля — это центр просвещения. Так, в зданиях сходов граждан поэтапно организуются библиотеки, на местах проводятся недели «Книголюбь махалли». В центрах махалли есть библиотеки с богатым книжным фондом, компьютерами с доступом в интернет, электронной литературой, что имеет важное значение в организации содержательного досуга населения, повышении культуры чтения молодежи.

### **Литература**

1. Махалля. Ее роль в демократизации общества // <https://uwed.uz/ru/news/fulltext/1133>
2. Указ Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию института махалли” // <https://lex.uz/docs/3106221>
3. Газиёва У.И. Махалля – школа демократии. // <http://www.nauteh-journal.ru/files/f735ef43-e85a-41f5-8078-a09a8745e89b>



## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ АСОСИ

Хуршида Пардаевна Дусбекова,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқарув академияси мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада оилавий муносабатлар маданияти – миллий қадрият асоси сифатида таҳлилга тортилиб, мутафаккирларининг таълим-тарбия борасидаги қарашлари ўрганилган, шунингдек оиланинг замонавий ёшлар қадриятларитизимидаги ўрни, ёшларнинг маънавий камолоти ҳамда аёлларнинг жамият ва оила равнақидаги ўрнимасаласи тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** оила, концепция, маданият, тарбия, маънавият, қадрият, жамиятанъана, урф-одат, миллат, хулқ-атвор.

Мазмунан демократик ва инсонпарварлик асосига қурилаётган жамиятнинг ҳар томонлама тараққиёти шахснинг шу тараққиёт талабларига мослик даражаси, ақлий, жисмоний ва маънавий маданиятлик савияси билан чамбарчас боғлиқ. Оила ва оилавий муносабатлар маданиятини илмий тадқиқ этишни унинг жамият тараққиёти қонунларига мувофиқ ривожланишини ифодалашдан бошламоғимиз керак. Оиланинг ривожланиши жамиятнинг моддий ишлаб чиқариши ва маънавий ҳаёти билан боғлиқдир. Агар ишлаб чиқариш, айрибошлаш ва истеъмол тараққиётининг муайян босқичини олиб қарасак, муайян ижтимоий тузумда, унга хос бўлган оилани ва оилавий муносабатларни кўрамиз.

Оиланинг ўзига хос шакли кишилик жамияти тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг конкрет-тарихий кўринишида мавжуд бўлган ижтимоий тузум характери билан белгиланган. Оила шакллариининг ўзгариши, ибтидоий жамият давридан бошлаб барча тарихий босқичларда моддий ишлаб чиқариш маънавиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ эканлиги илмий адабиётларда кенг таҳлил этилган.

Жамиятнинг, оиланинг моддий ҳаёт шароитлари ўзгариши ўз-ўзидан маънавий камолотга олиб келмайди. Маданий қашшоқ бўлган одам бой бўлиб қолса, бирданига маънавий камолот даражасига кўтарилиб қолмайди. Маънавият ҳаммуайян ижтимоий-маданий замин негизда юксалади. Оиланинг маънавий олами ижтимоий тараққиётнинг таъсири ва унинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу умуммаксималогик қонуниятлардан келиб чиқади. Маданиятли инсоннинг маънавий олами негизда ижтимоий мақсадлар, қараш ва ғоялар ётади. Улар ишонч натижасида эътиқодга, ундан ижтимоий моддий кучга айланади. Дунёқараш моддийлашмас экан, у ижтимоий тараққиётнинг боришига таъсир қила олмайди. Оилавий муносабатлар маданияти, унинг ёш авлод маданий камолотига таъсири худди шу қонунга бўйсунди.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи кишиларнинг маънавий камолотида, жумладан оиланинг маданий ривожланишида ўз ифодасини топади. Оиланинг маданий фаолияти, уларни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ижтимоий амалиётга боғлиқ ҳолда авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб, такомиллашиб боради. Зотан, инсон шахси ва унинг маданий оламининг таркиб топиши ҳам маънавиятдир. Оиладаги ўзаро муносабатлар ҳақида фикр юритар эканмиз, улар муайян ижтимоий-маданий тизимни ташкил этиши кўзга ташланади.

Бу тизим оиланинг ўзига хос маънавий оламини ташкил ётади ва ижтимоий тузилишнинг зарраси сифатида бир-биригатаъсир қилади ҳамда ўзаро алоқадорликда бўлади. Унда барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси амал қилади. Мавзунинг мандиқий давоми асосида оиладаги муҳит, ўзаро муносабатлар, фарзанд тарбияси масаласига илмий ёндашсак.

Биламизки тарбия энг авалло оиладан бошланади, оила муқаддас даргоҳ ва у жамиятнинг асосий таянчи ҳисобланади. Оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги соғлом муҳитнинг шаклланиши ва унинг фаровонлиги ҳар жиҳатдан ота-она ва уларнинг илм-маърифатига боғлиқ.

Оилада фарзанд тарбияси энг муҳим бўлиб таълим-тарбия ва ахлоқий муносабатлар ҳардоим долзарб масала ҳисобланган. Оила қанчалик тартибли эканлиги, унинг аъзолари ўртасидаги оммавийлиги кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ. Ота-онага ҳурматда, эътиборда



бўлиш халқимизнинг ажойиб қадриятларидан бири ҳисобланади. Ўзбек оилаларида бола тарбиясини мақсадга мувофиқамалга оширишда ўтмишнинг маънавий меросидан унумлифойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк алломалар Муҳаммадибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамдатасавуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш АҳмадЯссавий, Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилган. Мутафаккирларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу РайҳонБеруний, Ҳаким ат-Термизий, Алишер Навоий, МаҳмудКошғарий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Боховуддин Нақшбандқарашларида бола шахсинингкамолотида жисмоний ва ақлий фаолиятнинг ролига каттааҳамият берилган.

Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий меросиниўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслар аро муносабатлар маданияти, фарзандкамолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқхалқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг(ўзбек халқ мақоллари, эртақлари, дostonлари, афсоналари,ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданиймерос эканлигини кўраимиз

Валид ибн Нумайр ибн Авсдан ривоят қилинади: Уотасининг “Солихлик-Аллоҳдан, одоб-оталардан дейишарди”, деганини эшитган экан[1]. Солихлик-яхши амаллар мужассамбўлган қобилият. Одоб-тарбиялилиқ, албатта, оталар аҳлиоиқлига чиройли тарбияни ўргатиш улар зиммасидаги вазифадир.

Фарзандига яхши тарбия берган инсон кексалиқда роҳатфароғатда яшайди. Бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳуалайҳи васалламнинг қилган амаллари (суннат) муҳимаҳамиятга эга.

Оила бошлиғи энг аввалонафақаи рўзғорни ўз зиммасига олиши даркор. Ҳадисдаайтиладики, “Оилангни оғзига тутган луқмада ҳам сен учунсавоб бор”. Шу боис, ота-она фарзандга ҳалол луқма едирмоғилозим, луқманинг қандайлиги фарзанд тарбиясига таъсири бор. Ота фарзанди туғилганда у қиз ёки ўғил фарзандми қатъийназар, ҳаммаси Аллоҳ таолонинг неъматиди, оталар барчасинитенг ўринда кўриб, уларга нисбатан адолатли бўлиши лозим. Қолаверса, қиз фарзанд ўғил фарзандга нисбатан ота-онага ҳаммака-ука, опасингилга меҳрибон бўлиши барчага маълум. “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳданқўрқинглар ва болаларингиз ўртасида адолатли бўлинглар! Менжабр-зулмга гувоҳлик бермайман”, дедилар”[1]. Ота-она фарзандига адолатли бўлиши лозим,шунингдек, бу улар ўртасида келишмовчиликлар бўлишиниолини олади.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Яхши ахлоқданкўра тарозуни босадиган ҳеч нарса йўқдир”, деб марҳаматқилдилар”.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда, Абу БарзаАсламийдан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳивасаллам: “Банда қиёмат куни умрини нима билан ўтказгани, илмини нимага йўналтиргани, молини қаердан топиб, нимагасарфлагани ҳақида ҳисоб-китоб қилмагунча, қадамларижилмайди”, дедилар”[2]. Ушбу ҳадисда, инсонга берилган умр, фарзандлар, мол-дунё, илм ҳаммаси Аллоҳ субҳанаху таолонинеъматиди ва омонати эканлиги, уни исроф қилмасдан, тўғри ваҳалол йўлда сарфлаш, аҳли оиласига сабоқ бериш, уларга ҳалолризқ топиб едириш, ғамхўрлик қилиш ҳар бир инсоннинг бурчва вазифаси ҳисобланади, солиҳа аёл эса эрининг меҳнатиникадрлаб, топганини тежамкорлик билан сарфлаши лозимбўлади. Мусулмон киши умри ва илми зое кетмасликка, исрофга йўл қўймасликка буюрилган. Ота-онанинг фарзандигаоила муҳитида керакли бўлган таълим-тарбияни бериши, келажакда яхши самара беради. Чиройли насихат болатарбиясида муҳим аҳамият эга.

Фарзандни ортиқча эркалатиш, ўз вақтида нотўғри ишиучун танбех бермаслик, келажакда салбий оқибатларга олибкелади.

Гапирганда яхши гапни гапиринглар, Амри маъруф бўладиган, кишиларни тақвога, яхшиликка чақирадиган гапларни гапиринглар, (Аҳзоб сураси 32-оят). Абу Бакр Қаффол Шоший раҳматуллоҳи алайҳ ота-онагамурожаат қилганда “Ота” ёки “она” деб эмас, “Отажон”, “онажон”, деб эркалаб муомала қилиш кераклигини тафсияётган. Аллома таъкидлаган ширин муомала, ояти каримадаги “Уларга меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут” деган илоҳий хитоб ва амрга мувофиқ тушади[3]. Исломи динида ота-она фарзандига танбех берса, фарзанд ота-онасига жажқилиши ёки ранжитиши мумкин эмас.



Ота-боболаримизфарзанд азиз, одоби ундан азиз, деб бежиз айтишмаган. Агарфарзанд одоб-ахлоқли бўлмаса, унинг азизлиги ҳам кўринмайди, оқибатда залолат ботқоғига ботади

Абу Наср Фаробийнинг (870-950) инсон камолоти, унинг таълим-тарбияси, бахти, умуманхлоқи, динга нисбатан муносабати ҳақидаги қарашлари ҳамумумфалсафий умумлашмалар ва талқинлардан иборат ўғитларсифатида шарқона тарбия назариясини ривожлангирди. Ушбу масала алломанинг “Бахтга эришув йўлиниқўрсатувчи китоб”, “Фозил одамлар шахри” сингариасарларида ўз ифодасини топган. Фаробийнингфикрича, инсонга унигўзал амаллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсулибўлмиш етук хулқ лозим. Фаробий хулқнинг яхшилигинихатти-ҳаракатлардаги меъёр қай даражада сақлангани биланбелгиланади деб таъкидлайди. “Одоб шундай нарсаки, - дебёзади у, - у орқали инсон муайян хулққа ўтади, яъни у қисқа вадавомли вақт жараёнида одоб туфайли бирор фаолиятни кўпмарта такрорлайди. Одобни мутафаккир бадавлат давлатинибезайдиган ва камбағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиганхлоқий ижтимоий ҳодиса”[4], деб таърифлайди.

Ҳазрат Абу Али Ибн Сино (980-1087)нинг педагогик вапсихологик қарашларида бола камолотига умуминсонийтамоилнинг қўлланилишини ёқлади ва тарбиячи, ота-оналаргауни қаттиқ тана жазоси йўли билан эмас, шахсий ибрат орқалитарбиялаш мақуллигини уқтирган. Ибн Сино ўзининг “Тадбирал-Манозил” асарининг асосий бобини оилада бола тарбиясимасалаларга бағишланганлиги тасодифий эмас. Ибн Сино оилабошлиғи олдида катта масъулият қўяди, фарзандларни бирбирига нисбатан меҳр-оқибат туйғуси орқали тарбиялаш, илиқруҳий муҳитни яратишни уқтиради. Оиладаги нохуш тарбиямана шу оилагагина салбий таъсир қилиб қолмасдан, балкибошқа оилаларга ҳам таъсир қилишини, оқилона тарбия оилабахтининг муҳим асоси эканлигини таъкидлайди. Ибн Синоболанинг ёш даври ҳақида шундай ёзади: “Боланинг истаганнарсасини дарров мухайё қилинг. У ёқтирган нарсани бериб, уёқтирмаган нарсани узоқлаштиришга тайёр туринг”. Агар ёмонхулқ одат тусига кириб қолса, унда ёмон миждознишаклантиради, яхши хулқ яхши миждозни шаклантиради.Ёмон муомала бола организмни куруқликка мойил қилади, натижада болада аффект, апатия ҳосил қилади. Яхши муомалабилан икки томонлама кутасиз. Биринчидан, болангиз соғломбўлади, иккинчидан, болангиз самимий бўлади[5].

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” (“Саодатгабошловчи билим”) асарида ва ундан кейинги қатор асарларидаўзининг этика ва оилавий ҳаётга оид қарашларини баён этган. У оиладаги одоб-ахлоқ нормаларига катта қизиқиш биланқаради. Катталарни хурмат қилиш кичикларнинг бурчизканлигини, ўз навбатида, катталар ҳам кичикларни эъзозлашиҳамма учун бурч, инсоний кадр-қиммат белгиси, деб билди.

Мутафаккирнинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбиябериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир, уларсиз ҳаётнингмаъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта маъсулиятюқлайдики, унинг уддасидан чиқмоқ ҳар бир ота-она учун ҳамфарз, ҳам қарзидир. У оилавий муҳитни шахс ахлоқийтараққиётининг асоси, деб ҳисобланган.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг турмушмаданияти, одоб-ахлоқ, шахс камолоти борасидаги ўзига хосбетакрор фикрлари нафақат шарқ халқлари, балки бутун дунёхалқлари ва олимлари учун бебаҳодир. Унинг “Маҳбуб улқулуб” рисоласи буюк алломанинг таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, маиший турмуш муаммоларига бағишланган йирик асаридир.

Алишер Навоий бу асарида фарзанднинг ота-онаси, отаонанинг эса фарзанд олдидаги бурчлари ва оилавиймуносабатлари ҳақида фикр юритади[4].

Оилавий аънаналар мисолида халқимиз меросинингбойлигини ва бу бойлик қадрият, ижтимоий феномен сифатидаасрлар ўша маънавиятимизда муҳрланиб келаётганиниқўрсатади. Жамият ва ундаги ўзаро муносабатлар катталарнингўзаро ҳамда фарзандларнинг бир-бири билан муносабатларимактабгача ёшдаги болаларда эзгулик, самимият, инсонпарварлик ҳис-туйғулари учун асос эканлиги тўғрисида Шарқмутафаккирларнинг таълимотларига таяниб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Шунингдек, Оиладаги муҳитниўзаро меҳр оқибатни шаклангиришда болаларга туғри тарбияберишда оила бекалари бўлмиш аёлнинг ўрни алоҳида эътирофга эга. Аёлни эъзолаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбекхалқига хос олижаноб қадриятлардан биридир. Халқимизорасида “Аёл бир кўли билан бешикни, иккинчи кўли биландунёни тебратади”, деган нақл бежиз вужудга келмаган. Зеро, миллатни она яратади ва она тарбиялайди.

Тарихдан маълумки, деярли барча буюк алломаларимиз, улуғ уламоларимизнинг, бобокалонларимизнинг оналари покиза, ўқимишли, етук билим эгалари, маърифатли



аёллар бўлишган. Ибн Синонинг онаси Ситорабону, Баҳоуддин Нақшбанд волидаси Биби Орифа, Муҳаммад Аминхўжа Муқимийонаси Ойшабиби, Мунавварқори Абдурашидхонов онаси Хосиятхон отин, Абдурауф Фитрат онаси Бибижон, Исҳоқхон Ибрат онаси Ҳурибиби аядан биринчи тарбияни, илк илм, сабоқсирларини ўрганиб, жаҳон илм-фани, маданиятига улкан ҳиссақўшдилар. Аёл миллат тарбиячиси экан, унинг маънавиятикелажак тараққиётини ҳал қилувчи ёшларни вояга етказиш вауларни комил инсон даражасига кўтаришда муҳим аҳамиятқасб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қисқа бир давричида жуда кўп сифатли ўзгаришлар содир бўлдики, булариктисодда, ижтимоий жараёнларда ва айниқса хотинқизларнинг жамият ва оиладаги мавқеида ҳам ўз ифодасинитопиб бормоқда. Шу боис ҳам ҳозирги кунда давр аёлининг оила ва жамиятдаги ўрнини мавқеини тўғри тушуниб, унианглаш ниҳоятда муҳимдир. Чунки давр аёлининг қалбидаги янгиликлар қай жиҳатлари билан афзал? Унинг воқеликка муносабати, идрок ва таҳлил этишдаги нуқтаи назаричи? Оиласи ҳамда жамият олдидаги масъулияти ва бурчларини аёлқай даражада тушуниб етмоқда.

Фарзандларни тарбиялаётган аёл, она эртанги куннинг талабу-эҳтиёжларини англай олиб ўз мавқеига эга бўла оладими?

Ушбу хусусиятлар унинг янги замонга хос ва мос тарзда яшаши, ишлаши ҳамда маънавий камолотга эришувини тақозо қилади. Зеро, бу кун аёли ўзгача, янги фикрлаш, тафаккур қилиш, шу аснода ўзини жамият равнақидаги ўрнини мавқеинитобора кенгайиб, кадру-қиммати ҳам кундан-кунга юксалиб бораётганлигини хис этиши лозимдир.

Биз хатто мозийга бир назар ташласак, барча даврларда жамият тараққиёти равнақи дахилсизлигида, маънавийт вамаърифат ривожиди, шарқона оила муқаддаслигини тараннум этишда аёллар маълум бир етакчи мавқеига эга бўлиб, ўзларининг оламшумил ишлари, қаҳрамонликлари билан тарих саҳифаларида из қолдирганлар. Зардуштийликда хотинқизларнинг жамиятда тутган ўрн, онанинг хонадондаги мавқеи масаласида шундай дейилади. “Аёл ҳуқуқини, мавқеини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир” -деб аёллар ролинини юксак баҳолайдилар. Дарҳақиқат, келажакни ўйлаган, нурли истиқболни кўзлаган халқ, энг аввало аёлини асраб авайлайди, уни эъзозлайди.

Мавлоно Зулфиқор Соҳиб Нақшбандий: “Бир одамни ўғилва қиз фарзандлари бўлса, иккисидан бирини ўқитишга қурбиетса, қизни ўқитиши керак бўлади,” деб таъкидлаганлари бежиз эмас албатта. Чунки ўғил боланинг ўқиши ўзига, аёл кишининг ўқиши хонадонгадир, яъни қиз бола ўқиса, бутун авлод ўқийди.

Шу боис ҳам жамиятнинг асосий негизи ҳисобланадиганоила, аёл ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оиланинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий барқарорлигини, мустаҳкамлигини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилада жамиятда хотин-қизнинг ролин ошириш давлатимиз устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Аёлга бўлган эътибор оила аъзоларининг, турмуш ўртоғи, фарзандлар, қариндош уруғларининг унга бўлган муносабатларида ўз ифодасини топади.

Давр аёлининг фикр-мулоҳазалари билан ҳамоҳанг бўлиш, инobatга олиш, оила тадбир ва жараёнларида, унинг истак ваҳоҳишлари билан келишиш, монелик қилмаслик, тазйиқўтказмаслик оилада аёл мавқеининг ифодасидир.

Афсуски, собиқ совет тузуми даврида поймол этилган кўпгина миллий кадриятларимиз билан бир қаторда аёлларганисбатан талаблар ҳам ўзгарганди. Аёлларга нозик дилсоҳибаси, мунис она, ожиза сифатидаги қарашларни йўқотиб, унинг ўрнига Европача талаб-истаклар кўйила бошлади. Бунинг оқибатида аёллар қаторида беҳаё, беандиша, ичкиликка ёкибузгунчиликка берилган, ўз фарзандини туғиб ташлаб кетадиганлар пайдо бўла бошлади. Ўз мажбуриятини унутиб ота-онаси, қайнона-қайноталарини беҳурмат қилиб, хаттоқариялар уйларида жойлаштирадиган аёллар ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолди.

Айрим турмуш тарзи носоғлом оилаларда аёлга бўлган тазйиқ натижасида унинг имкониятлар доираси чекланади, фарзандлар тарбиясида ҳам ноҳуш ҳолатлар содир бўлишимумкин.

Ҳозирги давр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бироилада аёлнинг меъёрий мавқеи мавжуд бўлиб, тинч-тотувлик ҳукм сурса, эр-хотинга нисбатан меҳр-муҳаббат билан, садоқат билан муносабатда бўлиб, рафикасини маслакдоши, фарзандларининг суянчиғи деб



билса, оилада аёлнинг мавқеи янадамуस्ताҳкам бўлиб, жамиятда ҳам ўз ўрнини топиш учун имконтуғилади. Аёлнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишидан давлат ҳам ҳар томонлама фойда кўради.

Ҳозирги кунда аёллар жамиятимизнинг турли жабҳаларида ўзларининг фидокорона меҳнатлари, фидойиликлари, турликасб эгалари бўлишлари билан ҳам ўз мавқеиларига эгадирлар, улар давлат секторларида, нодавлат ташкилотларида муносиб ўрин эгаллаб, демократик жамият равнақида, жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқли равишда ўз овозларига, эга бўлиб, парламентда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишда фаол иштирок этиб, ўзларининг нечоғлик мавқеига эга эканликларини яққолнамоён этмоқдалар.

Зеро, муқаддас манбаларда “Сизларнинг яхшиларингизаҳли аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир” деб бежиз келтирилганлиги ҳам аёлларнинг жамиятдаги мавқени яна бирбор эъзозланишидан дарак беради.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Олимхон Исахон ўғли. Одоблар дурдонаси. С.: Имом Бухорий халқаро маркази, С-2015
2. Ҳожи Аҳмадjon Бобомурод. Инсон одоби ва ахлоқи. Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2019.
3. Саййид Раҳматуллоҳ Термизий. Мўмин киши мукаррам зот. Т.: Ҳилол Нашр, 2018
4. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. - Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 86-бет.
5. Зуннунов А. Педагогика тарихи. - Т.: “Шарқ”, 2004. 112-бет.



## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИШСИЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УЮШМАГАН ЁШЛАР ҚАТЛАМИ ШАКЛЛАНИШИ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ғиёсов Сардорбек Мунибиллаевич  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати +998942743827

**Аннотация:** Ушбу мақолада уюшмаган ёшлар ва уларнинг ишсизлик билан боғлиқ ҳолатлар хорижий мамлакатлар мисолида таҳлил қилинган. Ишсизлик билан боғлиқ уюшмаган ёшлар қатламининг хорижий мамлакатлардаги кўриниши социологик таҳлили баён этилган.

**Калит сўзлар:** Уюшмаган ёшлар, ишсизлик, тадқиқот, глобал, ноқонуний меҳнат

Уюшмаган ёшлар деган атаманинг ўзи нисбий тушунча. Унинг муайян қамрови йўқ. Таълим муассасаларида таҳсил олмаётган, корхона ва ташкилотларда ишламаётган барча ёшларни “уюшмаган ёшлар” атамаси остида тушуниш бу – хато фикр.

Биринчидан, шундай гуруҳ остида талқин этилаётган ёшларнинг бир нечта гуруҳлари борки, биз шу кунгача уларнинг ҳаммасини битта деб тушуниб келдик, таҳлил қилмадик, барчасига бир хил муносабатда бўлдик. Иккинчидан, ҳукумат томонидан талаб этилганидек, уларнинг қалбига йўл топиш ўрнига маҳалла фуқаролари йиғинлари, ҳукуқ-тартибот органлари номидан юқоридан туриб гаплашдик. Ҳавойи гаплар билан уларнинг ҳаётини изга солмоқчи бўлдик, пировард натижада ёшларнинг ҳаётини баттар чигаллаштирдик. Учинчидан, уларга индивидуал ёндашмадик, ҳаётий муаммоларини ялписига ҳал этишга уриндик. Буларнинг барчаси бизни боши берк кўчага олиб кириб қўйди.

Тўғри, илмий жиҳатдан қараганда ёшлар масаласи билан боғлиқ ҳуқуқий, сиёсий, социологик, фалсафий, педагогик ва психологик йўналишларда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ айнан “уюшмаган ёшлар” масаласи очилмаган кўрик сифатида ўз тадқиқотчиларини кутаётгани реал факт. Мазкур масаланинг концептуал аҳамияти бевосита унинг мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси ҳамда миллий давлатчилигимиздаги ворисийлик масаласи ҳуқуқий механизмнинг заминини яратишига асос бўлишида кўринади.

Шундай экан, уюшмаган ёшларни ҳисобини олиб бориш ҳамда уларга ҳос тарифни дунё амалиётидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам уюшмаган ёшларни икки меъзонга кўра; ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган деган сифатларига кўра уларнинг таркибини шаклланишини таҳлил қилиб кўрамиз. Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда сайёрамизда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлганлар сони бир миллиарддан ошиб кетган. Улар ер юзи аҳолисининг 20 фоизидан кўпроғини ташкил қилади. Ёшларнинг 85 фоизи ривожланган мамлакатларда истиқомат қилади. Европа Иттифоқи мамлакатларида қариялар сони ортиб бораётганига қарамай, “кўхна китъа” ҳамон “ёшлар китъаси” сифатида тан олинади. Сўнги вақтларда таълим олишдан бебаҳра, иш топа олмаётган ёшлар ҳақида кўп гапирилмоқда. Германия канцлери Ангела Меркел 2013 йилда “The Guardian” нашрига берган интервьюсида ёшлар ўртасидаги ишсизликни “Европадаги энг долзарб муаммо” сифатида таърифлаган эди. У Европа мамлакатларининг ҳукуматлари “Йўқотилган авлод” пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида Германия тажрибасидан фойдаланиши лозимлигини таъкидлади. XXI асрнинг йўқотилган авлодларининг пайдо бўлишига ишсизлик сабаб бўлаётгани тан олинмоқда[1]. Маълум бўлишича, Европада 25 ёшгача бўлган 5 миллиондан ортиқ ишсиз бор экан. Ёшларнинг иш билан таъминланмагани Европа келажагини хавф остида қолдириши тан олинади. Ривожланаётган мамлакатларда ёшлар норасмий ишлайди. Ёшлар оз иш ҳақида бўлса-да ишлашга рози бўлади. Камбоджа ва Перу яширин иқтисодиётида ёшларнинг 80 фоизи банд. Иқтисодчиларнинг фикрича, ёшлар қанчалик кўп ноқонуний меҳнат билан банд бўлар экан, мамлакат иқтисоди қийин аҳволда қолаверади. Жаҳондаги ишсизлик муаммоси хавфли ҳолат экани тан олинади. Бу нафақат иқтисод учун, балки ижтимоий ҳаётда ҳам фожеаларга сабаб бўлади.

АҚШдаги ёшлар орасида эса гиёҳвандлар, жиноятчилар, ишсизлар, ирқчилар сони ортиб бораётганидан хавотирлар пайдо бўлди. “Center for American Progress” тадқиқот ташкилоти хулосаларига кўра, айти дамда 10 миллиондан ортиқ ёш америкалик иш топишга қийналмоқда экан[2].



Ёшлар ўртасида ишсизлар сони бўйича Африка қитъаси етакчилик қилади. Либерия, Малави ва Того 25 ёшгача бўлган ёшларнинг 70 фоизидан кўпроғи ишсизликни ўзига касб қилиб олган[3]. Бу каби муаммони иқтисоди тараққий этган Хитой ва Ҳиндистон ҳам бартараф эта олмаяпти. Тўғри, бу икки мамлакатдаги вазиятни Африка ва Лотин Америкаси билан таққослаб бўлмайди.

Ёшлар орасидаги глобал ишсизлик 13,1 фоизни ташкил қилади. Бу катталар ўртасидаги кўрсаткичдан уч баробар кўп эканини кўрсатиб турибди. Халқаро Меҳнат ташкилоти ҳисоботиغا кўра, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, шунингдек, Лотин Америкаси, Кариб хавфзаси ва Жанубий Европада бу борадаги кўрсаткич анча юқори экани айтилади. Кузатувчиларнинг фикрича, иқтисоди ривожланган мамлакатларда истиқомат қилаётган ёшлар 2008 йилда кузатилган глобал инқирознинг асосий жабрдийдасига айланишди. Вазиятни таҳлил қилган Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти бу ҳолатни ёшлар ўртасидаги инқироз деб атади[4].

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. [www.uza.uz/oz/society/](http://www.uza.uz/oz/society/) Йўқотилаётган ёшлар.2018 й
2. <http://www.regeringen.se>. Division for Youth Policy and Civil Society Ministry of Education and Research
3. Take-A-Hike Program/Vancouver School Board. <http://www.vsb.bc.ca/programs/take-hike-program>
4. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2022

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000